

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Қашқадарё вилояти автомобиль йўллари бўш
бошқармаси бошлиғи
Б. Рахимов
2024 й.



4P234 "Косон ш-Қарлик қ-Муборак қ" автомобил йўлининг 5-25 км қисми 2024 йил давомида таъмирлаш, сақлаш ва қишки қаров ишларини бажариш учун

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

Қарши ш. - 2024 йил

Буюртмачи	Қашқадарё вилояти автомобиль йўллари бўш бошқармаси
Бош пудратчи	Танловда аниқланади
Хусусий сектор томонидан умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари эксплуатация қилиш учун асос	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 октябрдаги ПҚ-330-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 24 апрелдаги 233-сонли қарорларига асосан
Таъмирлаш, сақлаш ва қишки қаров ишларини лойиҳалаштириш босқичи	Смета ҳужжатлари асосида
Эксплуатация қилиш ишларига смета ҳужжатларини тайёрлашнинг алоҳида шартлари	“Буюртмачи” томонидан тасдиқланган нарх-наволарнинг келишув баённомасига асосан смета ҳужжатларини ишлаб чиқишда Касби ТЙФ ДМ ва Муборак ТЙФ ДМнинг машина-механизмлари I маш-соат нархлари, I одам-соат нархи ва 10% миқдорида пудратчининг бошқа харажатлари қўллаш учун қабул қилинсин.
Эксплуатация қилиш ишларини бошланиши	2024 йил январь
Эксплуатация қилиш ишларини тугаллаш	2024 йил декабрь
Хусусий сектор томонидан аутсорсинг асосида эксплуатация қилиш учун берилган автомобиль йўлининг асосий кўрсаткичлари	Давлат аҳамиятидаги 4P234 "Косон ш-Қарлик қ-Муборак қ" автомобил йўлининг 5-25 км қисми узунлиги ПК5+00 дан ПК25+00 гача – 20000 метр.
Сунъий иншоотлар тўғрисида маълумотлар	8 дона 64 пм узунликдаги темир-бетон қувурлар мавжуд.
Йўл тўшамаси	4 км асфальтобетон, 8 км қор қопламага эга
Хусусий сектор томонидан умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари эксплуатация қилиш учун алоҳида топшириқ	<p>1. автомобиль йўллари таъмирлаш — автомобиль йўлларининг айрим участкалари ва элементлари ишончилиги ва қулайлигини таъминлашга йўналтирилган фойдаланиш кўрсаткичларини яхшилаш мақсадидаги тиклаш бўйича комплекс таъмирлаш ишлари. Бунда эскирган қопламани қисман қоплаш, унинг текислигини ва илашиш сифатларини тиклаш ва яхшилаш, йўл қопламаси, ер кўтармаси, йўл иншоотлари, автомобиль йўллари жихозлаш ва ободонлаштириш, ҳаракат хавфсизлигини ташкил этиш ва таъминлаш элементларининг барча бузилишлари ва шикастланишларини бартараф этиш, шунингдек автомобиль йўлининг бутун узунлигида йил мобайнида амалга ошириладиган автомобиль йўллари ва йўл иншоотларининг майда шикастланишларининг олдини олиш ва тузатиш йўли билан амалга ошириладиган фойдаланиш кўрсаткичларини сақлаш бўйича комплекс таъмирлаш ишларини амалга ошириш.</p> <p>2. автомобиль йўллари сақлаш — автомобиль йўллари ва йўл иншоотлари элементларини соз ҳолатда сақлаш, шунингдек автомобиль йўлининг бутун узунлигида йил мобайнида бажариладиган автомобиль йўллари ва йўл иншоотларининг техник қурилмалари иш режимлари бўйича комплекс ишлар, йўл, йўл иншоотлари ва ажратилган минтақага қараш, доимий равишда пайдо бўладиган майда шикастланишларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш, ҳаракат хавфсизлигини ташкил этиш ва таъминлаш бўйича комплекс ишларни амалга ошириш.</p>

	<p>3. автомобиль йўллари қишда сақлаш — автомобиль йўллари ва йўл иншоотлари элементларини соз ҳолатда сақлаш, шунингдек автомобиль йўлининг бутун узунлигида қиш даври мобайнида бажариладиган автомобиль йўллари ва йўл иншоотларининг иш режимлари бўйича комплекс ишлар, автомобиль йўллари қиш даврида қор қатламлари, уюмлари ва кўчкларидан ҳимоя қилиш, қордан тозалаш, қишки сирпанчик пайдо бўлишининг олдини олиш ва уларни бартараф этиш ҳамда музгарчиликка қарши курашиш бўйича ишлар ва тадбирларни амалга ошириш шарт.</p>
<p>Эксплуатация қилиш ишларининг муддати</p>	<p>Бир молия йили.</p>
<p>Эксплуатация қилиш ишларининг материал ресурслар билан таъминлаш</p>	<p>Вилоятда ишлаб чиқариладиган қурилиш материалларидан (асфальтобетон, табиий қум, чақилган тош, қум-шағал аралашмаси, товар-бетон, лак-бўёқ материаллари, оҳак ва хоказо...) фойдаланишга устуворлик берилиб, смета ҳужжатларида кўзда тутилади.</p>
<p>Хусусий сектор томонидан умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари эксплуатация қилиш ишларининг молиялаштириш манбалари ва ҳажми</p>	<p>Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ва Автомобиль йўллари қўмитаси билан келишилган ҳолда тасдиқланадиган йиллик харажатлар сметаси асосида.</p>